

БАТАН

Сарҳадларинг қўриқлайди ўғлонларинг,
Дарак берар ўтмишингдан дostonларинг,
Кундан кунга яшнамоқда бўстонларинг,
Ҳеч нарсага алмашмайман, Ватан сени,
Юрагини забт этгансан ўзинг мени.

Дўстлар сенга ҳавас ила боқиб турар,
Келажакнинг мевасини сенда кўрар,
Юрт хотиржам, халқ қувониб, даврон сурар,
Ҳеч нарсага алмашмайман, Ватан сени,
Юрагини забт этгансан ўзинг мени.

Дунё кезиб тополмадим, сендай Ватан,
Сергакдирман, душманинга бермайман ён,
Тайёрдирман сенинг учун бермоққа экон,
Улғунча қўриқлайман, Ватан сени,
Юрагини забт этгансан, ўзинг мени.

Хосият ЖАББОРОВА.

ШУКРОНА

Балоғатга етди истиқлол,
Обод этдик Ватан қасриши.
Кўнглим ичра ўсар бир ниҳол,
Яратгандек дунё фаслиши.

Ҳа, дунёнинг фасли биздадир,
Заминида гуллар — кутганинг.
Неки хислат олтин куздадир,
Кузда бўлмай тўйинг — ютганинг.

Ўзгичмдан келмасман тоғиб,
Илқ шомол теғди-ку танга.
Уша маҳал севинчдан ёниб,
Шукроналар айтдим Ватанга.

Ортада қолди минг бир ривоят,
Тарих энди қолмас гафлатда.
Шу Ватанин севолсанг гоят
Содиқ ўғлон бўлсин, албатта.

Дўстим, нима бердик Ватанга,
Сўз дурларин терлаганим йўқ.
Балоғатга етган отамга
Мен ҳеч нарса беролганим йўқ.

Истиқлолим, сенга минг таъзим,
Солнчлардан келмоқлик Ватан.
Дилдан кўчди тонгда бир назм,
Манзу фасл — севмоқлик Ватан.

Ашурал БОЙМУРОД.



Тинчлик ва оқоилишлик, меҳр-муҳаббат ва эзгулик барқарор бўлган юрт табияти ўз бағрида энг нозиктаб ва закии қўшларини ҳам асраб-авайлайди. Зеро, лайлақлар макон тутган ўлка осмонни мусоффо, ҳаёти фаровон, кишиларни меҳр-оқибатли бўлиши азалдан маълум.

Дилдор ИСМОИЛОВ, сурат-лаҳзаши.

Умуммиллий дастур амалда!

ЁШЛАР — ЮРТ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КУЧ

дейишмоқда самарқандлик таълим фидойилари

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги таълим муассасаларини замонавий қиёфада бунёд этиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш билан бирга таълим-тарбия жараёнини ҳам жаҳон андозаларига мос равишда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бунга, албатта, таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийларнинг тажриба, малакаларини ошириш орқали эришиляпти.

Айниқса, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан апрель ойида вилоятдаги барча мактаб битирувчилари ўртасида она тили ва адабиёт, тарих ва миллий истиқлол ғояси, математика, информатика, кимё, биология, физика каби фанлар бўйича иқтидорли битирувчи ўқувчилар беллашуви ташкил этилгани ўқувчилар ўртасида билимли ёшларни аниқлаш имконини берди. Мазкур тадбир доирасида туман миқёсида фанлар йўналишлари бўйича ғолиб топишган ўқувчилар гуруҳлари вилоятга йўл олишди. Катта тантана, билимлар кунига айланган кетган танловда Пахтачи тумани халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасалари ўқувчилари фаол иштирок этганликлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ававало, тарбиячининг ўзи тарбияланмоғи лозим, деган эди буюқлардан бири, — дейди тадбирда иштирок этган Пахтачи тумани халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Музаффар Самандаров. — Бу ақдага амал қилган ҳолда ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Бу эса ўз нав-



Пайриқ туманидаги 6-умумтаълим мактаби директори Л.Шульга ўқувчилар даврасида.

батда кўриб турганингиздек, ёшларимизнинг янада билимли, қўли бўлиб вояга етишига хизмат қилаётипти. Ўқувчиларимиз тарих ва миллий истиқлол ғояси фани бўйича ўз заковат ва иқтидорларини намойиш қилиб, жомбойлик тенгдошларини доғда қолдиришди. Танлов Низомига асосан туманимиз халқ таълими бўлимига махсус диплом берилди, мазкур фан бўйича фидойилик кўрсатган ўқитувчиларга ойлик маошига мактаб комиссиялари томонидан қўшимча равишда устама бериш белгиланди. Албатта, бунда таълим фидойиларидан Гулнора Усарева, Қадридон Ибрагимов, Улжон Қўлманова каби ўқитувчиларимиз катта жонбозлик кўрсатишди.

Дарҳақиқат, вилоятнинг Пайриқ тумани халқ таълими фидойилари ҳам ёшларнинг ҳар томонлама билимли бўлиб вояга етишлари

учун амалга ошираётган ишлари кўпчиликлари ўрнатилган бўлаётган. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хўнара таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги мавжуд 93 та мактабдаги 5561 нафар 9-синф битирувчилари таълимининг кейинги босқичига йўналтириш учун тўлиқ камраб олинди. Хусусан, ота-оналар ва ўқувчилар ўзларига ёққан касбини танлаши учун ўрта махсус касб-хўнара таълими масканларида очик эшиклар кўнлари мунтазам равишда ўтказилди.

Мактаб — маҳалла — ота-она ўзаро ҳамкорликда иш олиб бора, ўқувчиларнинг таълим-тарбияси мунтазам равишда олиб боришини амалда синаб кўрдик, — дейди Пайриқ тумани халқ таъ-

лими бўлими мудири У.Назимова, биз билан суҳбатда. — Шунинг учун бу борада амалга ошираётган ишларимизни янада такомиллаштираямиз. Бу, энг аввало, ўқувчиларимизнинг ҳулқ-атворини яхшилашга хизмат қилса, бошқа томондан ўқитувчи ва мураббийларнинг ўз устиди мунтазам равишда ишлашини талаб қилади. Чунки, дарсга ўқувчини жалб қила олмаган устоз маҳалла ва ота-оналар олдида юзи шувут бўлади. Туманимиздаги 6-мактаб директори Л.Шульганинг бу борада амалга ошираётган ишлари кўпчиликлари ўрнатилган. Мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчилари фан олимпиадаларининг вилоят, республика босқичларида биринчиликлари қўлга олиб келишмоқда.

Олим ҲАКИМОВ, "Адолат" мухбири.

Адолат шундай бир машинаки, унга бошида бир туртки берилса, кейин ўз-ўзидан ишлайверади.

Ж.Голсуорси.

БОЛАЖОНЛАРГА ТУҲФА

Республикаимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатида амал қилаётгани миллиятлараро мулоқот воситаси сифатида ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча лугатлар яратилишини долзарб масалалардан бирига айлантирди. Академик А.Хожиев ва доцент Х.Муҳаммадиева томонидан таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун махсус тузилган "Ўзбекча-русча лугат" айна максадга мувофиқ. Чунки русийзабон фуқароларнинг фарзандлари республикамизнинг давлат тилига айна шу синфлардан бошлаб ўргатилади. Бошланғич синфлар учун ёзилган ўзбек тили дарсликлари, қўшимча ўқув қўланмалар, кўргазмалар воситалар қанча кўп бўлса, русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилини пухта эгаллашлари шунча осон бўлади.

Бу "Ўзбекча-русча лугат"нинг расмлар билан кўргазмалар тарзда chop этилгани бошланғич синф ўқувчилари учун жуда қўл келадиган. Зеро, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тили фанидан кўргазмалар воситаларга, расмлар, жадваллар, диафильмларга эҳтиёж катта. Шу боис, мазкур лугатнинг расмлар билан берилиши, айниқса, айрим нарсалар-буюмлар номларини тематик гуруҳларга жамлаган ҳолда, айримларини эса таркибга, қисмларга ажратиб кўрсатиб берилгани педагогик нуқтаи назардан жуда тўғри. Шунингдек, лугат охирида ўзбекча таржимаси берилган сўзларнинг кирилл алифбоси тартибда русча-ўзбекча лугат тарзида келтирилгани ва

Тиббиёт

Избоскан туманида қишлоқ аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш бора-сида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Чунончи, барча қулайликларга эга бўлган қишлоқ врачлик пунктларини бунёд этиш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга ҳамда тиббиёт ходимлари малакасини оширишга катта аҳамият берилаяпти.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Айни вақтда тумандаги 29 та қишлоқ врачлик пункти "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида 58 турдаги тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланди. Бунинг учун 220 миллион 670 минг сўм маблағ сарфланди. Жумладан, "Гуркиров", "Бирлашган", "Янги замон", "Жонобод" ва Т.Мамажонов номли врачлик пунктлари тўлиқ жиҳозланди. Бошқа врачлик пунктларида эса мазкур йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Шунингдек, "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича тиббий жиҳозларни қабул қилиб олиш учун ўнлаб қишлоқ врачлик пунктлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 148 миллион сўмлик ҳомиёлар маблағи жалб этилгани, айниқса, эътиборлидир.

Бугунги кунда тумандаги мавжуд қишлоқ врачлик пунктларида 59 нафар шифокор, 321 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият юритмоқда. Ҳозирга қадар улардан 24 нафари ўн ойлик умумий амалиёт курсларида малака оширишди. 6 нафар тиббиёт ходими эса мазкур малака ошириш курсларида тахсил олмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг янада яхшиланишига омил бўлаётган.

Юсуфжон НУРМОНОВ.



ХИДДИНК СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

Австрия ва Швейцария яшил майдонларида ўтаётган XIII Европа чемпионатининг чорак финал баҳсларига старт берилди

"Кўҳна қитъа"нинг энг қучли ўн олти терма жамоаси иштирок этаётган нуфузли мусобақа гуруҳ учрашувлари ниҳоясига етди. Аввалдан башорат қилинганидек, "А" гуруҳида ҳужумкор ўйин намойиш этган Португалия терма жамоаси Туркия (2:0) ва Чехия (3:1) футболчиларини маглубиятга учратиб, қийинчиликсиз кейинги босқичга йўлланма олди. Чорак финалга бериладиган иккинчи йўлланма учун эса кураш асосан Туркия ва Чехия терма жамоалари ўртасида кечди. Ҳал қилувчи учрашувда чинакамига маҳорат кўрсатган Фотиҳ Терим шогирдлари 0:2 ҳисобида ютқаза туриб, сўнгги дақиқаларда чех футболчиларини 3:2 ҳисобида енгди.

"А" гуруҳининг якуний кўриниши

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Португалия	2	0	1	5-3	6
2. Туркия	2	0	1	5-5	6
3. Швейцария	1	0	2	3-3	3
4. Чехия	1	0	2	4-6	3

"В" гуруҳида ҳам айтарли ҳеч қандай шов-шувли натижа қайд этилмади. Чемпионат мезбони — Австрия терма жамоаси ҳамда Польша футболчиларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган Хорватия ва Германия вакиллари ўзларининг чорак финалга муносиб эканликларини исботлай олишди.

"В" гуруҳининг якуний кўриниши

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Хорватия	3	0	0	4-1	9
2. Германия	2	0	1	4-2	6
3. Австрия	0	1	2	1-3	1
4. Польша	0	1	2	1-4	1

"Умумий гуруҳ" номини олган "С" гуруҳида ҳар бир очко учун кескин кураш борганлигини эътироф этиш лозим. Мусобақа олдида кўпчилик ўтган жаҳон чемпионати финалчилари Италия ва Франция терма жамоаларини ғолибликка асосий даъвогарлар сифатида эътироф этган бўлса-да, амалда Марко ван Бастен бош мураббийлик қилаётган Голландия футболчилари барчани лол қолдиришди. Дастлаб италияликларни йирек 3:0 ҳисобида доғда қолдирган "лола рангилар", иккинчи ўйинда французларга ҳам сабоқ (4:1) берди. Сўнгги турда дастлабки учрашувларда дуранг ўйнаган Руминия футболчилари голландияликларни маглубиятга учратса, гуруҳда иккинчи ўрин эгаллашарди. Аммо мудатдан илгари чорак финалга йўлланма олган ван Бастен шогирдлари барбир ўз анъаналарига содиқ қолиб, руминияликлар дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди.

"С" гуруҳининг якуний кўриниши

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Голландия	3	0	0	9-1	9
2. Италия	1	1	1	3-4	4
3. Руминия	0	2	1	1-3	2
4. Франция	0	1	2	1-6	1



Чемпионатнинг "Д" гуруҳи дастлабки турида Испания терма жамоаси россияликларни 4:1 ҳисобида маглуб этган, аксарият ишқибозлар Гуус Хиддинк шогирдларининг кейинги босқичга чиқиш имкониятини йўқотди, деб ўйлашганди. Аммо кейинги турларда Греция (1:0) ҳамда Швеция вакиллари (2:0) устидан ишончли зафар қўнган россияликлар гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади. Қолаверса, илк маглубиятдан сўнг "Мен Европа чемпионати баҳсларини телевизор орқали кузатишга ошқабатганим йўқ. Футболчиларимиз албатта чорак финалга йўлланма олади", дея фикр билдирганди. Гуруҳда ўтган Европа чемпиони — Греция футболчиларининг аутсайдер сифатида мусобакани якунлагани қутлимган ҳол бўлди.

"Д" гуруҳининг якуний кўриниши

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Испания	3	0	0	8-3	9
2. Россия	2	0	1	4-4	6
3. Швеция	1	0	2	3-4	3
4. Греция	0	0	3	1-5	0

Кеча қитъа чемпионатининг чорак финал учрашувлари бошланди. Ҳал қилувчи баҳслар макomini олган мазкур ўйинларни Португалия — Германия терма жамоалари бошлаб беришди. Бугун ўтаётган учрашувда эса Хорватия — Туркия футболчилари ўзаро куч синашди. Қолган икки ярим финалчи номини эса эрта-индин ўтказиладиган Голландия — Россия, Италия — Испания терма жамоалари учрашувларидан сўнг аниқ бўлади.

Муноси АЛИЕВА.

"Адолат" газетаси тахририяти жамоаси "Туркистон" ва "Молодёжь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Салим Ашуровга волидаи муҳтарамаси **НИЁЗХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сийсий Кенгаши партия Марказий аппарати ҳужуқшуноси Суннатилла Улмасовга падади бузуқвор

ФОЗИЛ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СІЁСІЙ КЕНГАШІ

www.adolat.uz

Бош муҳаррир
Холтўра ШАҒОАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибнат
— 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

Маниал: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турсунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир ХУҲАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИКОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Қамол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талғат МУРОДОВ.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят
рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи муҳаррир — Бехбуд БОТИРОВ
Навбатчи — Матқўб НАРЗИЕВ
Саҳифаловчи — Латифжон ТУРСУНОВ